



ОНА ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРГА МАТН ЯРАТИШНИ ЎРГАТИШ МАЗМУНИ

Бекниязов Қ. И.

*филология фанлари номзоди
Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти
қорақалпоқ тили кафедраси катта ўқитувчиси*

Таяч сўзлар: методика, матн, матн яратиш, ўқувчиларнинг сўз бойлигини ошириш, ўқиш, билиш.

Ключевые слова: методика, текст, создание текста, развитие словарного запаса учащихся, чтение, знание.

Key words: methodology, text, text creation, increasing the vocabulary of readers, read, know.

РЕЗЮМЕ:

Мақолада бошланғич синф она тили дарсларида ўқувчиларни матн яратишга ўргатиш осолари ва ўқувчиларни улар устида ишлашга, амалда қўллашга ўргатиш методикаси билан боғлиқ масалалар сўз этилган.

РЕЗЮМЕ:

В статье рассматриваются вопросы, связанные с основами обучения учащихся созданию текста на уроках родного языка в начальных классах и методикой обучения учащихся работе над ними, их применению на практике.

SUMMARY:

The article deals with issues related to the basics of teaching students to create text in their native language lessons in primary school and the methodology of teaching students to work on them, their practical application.

Бошланғич синфларнинг она тили дарсларида ўқувчиларга матн тузилиши юзасидан муайян билимлар бериш, уларда матн яратишга доир айрим кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, илк бор давлат таълим стандарти талабларида ўз аксини топди, айрим талаблар дастурга кири-тилди. Методик адабиётларда рус методист олимларидан: М.Р. Львов, С.В.Юртаев, О.О.Харченко ва бошқаларнинг методик қўлланмалари, ил-мий мақолаларида таълим мазмунига доир тахминий дастур, баъзи тавси-ялар келтирилди, ўзбек методист олимларидан: К.Қосимова, Т.Ғаффорова ва бошқаларнинг ишларида айрим йўл-йўриқлар ўз аксини топди.



О.О.Харченко бошланғич синфлар она тили дарсларида ўқувчиларда матн тузиш лаёқатини шакллантириш зарурлиги ва мумкинлиги масаласида иккиланиш мавжудлигини таъкидлаб, дарсликларнинг энг муҳим хусусияти коммуникатив йўналганлик бўлгач, таълим мазмуни ҳам шунга, яъни матн тузишнинг ҳам ташкилий, ҳам мазмуний жиҳатларини эгаллаш сари қаратилганлиги тўғри бўлган деб ҳисоблайди[1.37].

Бошланғич синфларда матн тузиш лаёқатини шакллантириш зарурлиги ва мумкинлиги она тили таълими олдида турган муҳим вазифа, амалий зарурият саналади. Зеро, бу нарса, юқорида таъкидлаганимиздек, давлат талаблари орқали таълим мазмунидан жой олган билимлар сирасига киради.

Аксарият методик адабиётларда бошланғич синф она тили дарсларида нутқ ўстириш деганда сўз устида ишлаш, айти пайтда савол-жавоб, матн мазмунини қайта ҳикоя қилиш, бирор мавзуда ҳикоялаш каби иш турларига устувор аҳамият берилади. Матн мазмунини қайта ҳикоя қилиш, бирор мавзуда ҳикоялаш таълимий жиҳатлар билан боғланмаса, ушбу иш турларининг ўзи нутқ ўстиришни қутилганидек таъминлай олмайди. Матн тузиш билан боғлиқ лексик ва грамматик бирликлар устида иш олиб борилган тақдирдагина юқоридаги иш турлари таълимий аҳамият касб этади. Акс ҳолда ёзма ишларнинг аҳамияти матн тузиш, йўл қўйилган имловий, баъзидагина грамматик хатоларни таҳлил қилишдан иборат бўлиб қолади ва «боғланишли нутқ» моҳияти номигагина ўз ифодасини топган бўлади.

Кейинги даврда хориж мамлакатларида бошланғич синфларда она тили ўқитиш методикаси ўқувчиларга матн тузишни ўргатиш мазмунини ишлаб чиқиш орқали нутқ ўстиришга янада яқинлаштирилди. С.В.Юртаевнинг «Влияние тенденции речевого развития на организацию образовательного процесса» мавзусидаги мақоласида ўқувчиларнинг нутқий фаолиятини кузатишдан олинган натижалар билан нутқни такомиллаштириш вазифалари таққосланиб, нутқ ўстириш мазмунига доир белгиланган дастурий талаблар асосланади[2.34-35].

Ушбу талабларга кўра матн қурилиши юзасидан қуйидаги тушунчалар устида иш олиб борилиши кўзда тутилади:

II синф.Мавзу. Кичик мавзу умумий мавзунинг бир қисми сифатида.

Асосий мазмун акс этган қисм, унинг шаклий белгилари:

гапларнинг мавжудлиги.

Микромавзулар. Микромавзуларни таърифлаш, чегараларини топиш, мавзуни очиш.

Гаплар гуруҳи. Гаплар гуруҳининг белгилари: боғланишли нутқ контекстида мазмуний яхлитлик, икки - етти гапнинг мавжудлиги. Гапларни гуруҳларга бўлиш, матнга сарлавҳа қўйиш, режа сарлавҳалари билан гаплар гуруҳлари орасида мувофиқликни ўрнатиш.

III синф. Гаплар гуруҳининг белгилари: лексик, грамматик воситалар ёрдамида мазмуний яхлитликнинг ифодаланганлиги.

Абзац. Абзацларга бўлинишнинг энг оддий ҳолатларини тушунтириш, гаплар гуруҳлари сонини абзацга ажратилган гаплар сони билан таққослаш, матнни кўчиришда гапларни абзацларга ажратиш.

IV синф. Гапларнинг ўзаро боғланиш воситалари: сўз такрори, синонимик алмашувлар, олмош, боғловчи, сўз тартиби.

Маълум бўладики, бугунги кунда Россия мактабларининг бошланғич синф она тили дарсларида матн қурилишига доир дастлабки тушунчаларни шакллантириш устида иш олиб борилмоқда. Бу тушунчаларни қуйидаги тарзда умумлаштириш мумкин:

Катта мавзу ва кичик мавзу; абзац, абзац муносабати билан бир неча гапнинг бир гуруҳга бирлашиши; кичик мавзулар ва абзацга тенг келадиган гаплар гуруҳлари.

Гапларни ва гаплар гуруҳларини бир-бирига боғловчи лексик ва грамматик воситалар (сўз такрори, синонимик алмашувлар, олмош, боғловчи, сўз тартиби ва бошқалар).

Эгалланадиган мазкур тушунчалар доирасида ўқувчилар матн яратиш жараёнида қуйидагиларни бажара олишлари даркор:

Адабий асарлар, ўқув матнлари, теварак-атрофдаги ҳаёт мавзуларини олдиндан айта билиш. Мавзуларнинг ривожланиб боришидан таъсирланиш.

Кичик мавзуларни умумий (катта) мавзуга бирлаштира олиш.

Кичик мавзуларни таърифлай олиш, гаплар гуруҳларига сарлавҳа қуя билиш; кичик мавзуга доир гапларнинг чегарасини аниқлай олиш; маъновий қисмни ажрата билиш.

Кичик мавзулар чегарасидаги гаплар гуруҳларини абзац сифатида белгилай билиш (хат бошидан ёзиш).

Бир гуруҳга бирлашган гапларни изчил жойлаштира олиш.

Гапларни ўзаро боғлашда лексик ва грамматик воситалардан фойдаланиб билиш.

О.О. Харченко юқоридагиларга қўшимча бўла оладиган таълимий бирлик - матннинг биринчи ва охириги гапи масаласини илгари суради[1.37].



Дарҳақиқат, матннинг биринчи гапи ҳам, охириги гапи ҳам фарқли шакл-лантрилади. Ўқувчиларни бунга ўргатмай бўлмайди.

Аён бўладики, С.В. Юртаев, О.О. Харченколар умумлаштириб тавсия этаётган талаблар матн курилиши билан бевосита боғлиқ. Агар матнга кирган гаплар алоҳида-алоҳида гуруҳларга бирлаштирилиб, ҳар қайсиси хат бошидан ёзилса, у ҳолда, умумий мавзунинг бир неча кичик мавзуга бўлингани, ҳар бир кичик мавзуга бирлашган гаплар хат бошидан бошлангани амалий йўл билан тушунтирилишига эҳтиёж сезилади. Шундай экан, матннинг тузилиши юзасидан кенгрок, лекин ўқувчилар қурби етадиган маълумот бериб борилиши лозим.

Хуллас, II-IV синфларда ўқувчилар нутқида ривожланиш бўлишини таъминлаш учун ҳам матн курилишига доир билимларда ҳам бир қадар тадрижий такомил кўзда тутилиши керак. Бу тадрижийлик, бир томондан, кичик мавзулар ва шу мавзулар доирасида бир-биридан хат боши ва абзац тарзида ажратиладиган гаплар гуруҳлари юзасидан бериладиган амалий маълумот асосида амалга оширилса, иккинчи томондан, гапларнинг ўзaro боғланиш воситалари: сўз такрори, синонимик алмашувлар, олмош, боғловчи, сўз тартиби ҳисобига рўёбга чиқади. Матн тузиш жараёнида зарур бўладиган амалий билимлар, эгалланадиган кўникмалар она тили дарсларида оз-оздан вақт ажратиб иш олиб боришни тақозо этади. Булар ўқувчиларни баён ва иншо ёзишга тайёрлаш, ёзилган ёзма ишларни таҳлил ва таҳрир қилиш мазмунини ҳам ташкил этади.

Адабиётлар:

1. Харченко О.О. Через постижение «тайн языка» - к текстовой компетенции // Начальная школа. - 2007. - № 5.
2. Юртаев С.В. Влияние тенденции речевого развития на организацию образовательного процесса. Начальная школа. 2007. -№ 5.